



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 25 май, шанба

• №41 (11.429)

• Эркин нархда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 май куни Оқсаройда Япония Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси Таро Асо ҳамда мазкур партиядан ушбу мамлакат парламентиغا сайланган депутат Нарияки Накаямани қабул қилди.

— Сизларни нафақат Япониянинг нуфузли сиёсат ва жамоат арбоблари, балки Ўзбекистоннинг яқин дўстлари ҳам деб биламиз, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш борасидаги ташаббус ва режаларингиз Ўзбекистонда юксак кадрланади.

Президент сўнги вақтларда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар янада юқори суръат билан ривожланаётганини мамнуният билан таъкидлар экан, бундай юксалиш барча соҳаларда намоён бўлаётгани, хусусан, сиёсат борасида кўплаб халқаро масалалар бўйича томонларнинг нуқтаи назарлари муштарак эканлигини қайд этди.


Шу кунларда мамлакатимизга Япония жамоатчилиги вакиллари билан иборат жуда катта делегация ташриф буюради. Ўзбекистон пойтахти, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида японларнинг ўзбек за-

минида осойиш топган юртошлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар очилади. Маълумки, Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий асир сифатида мамлакатимизга келтирилган Япония фуқароларининг мақоми ўзгартирилган. Бундай инсонийлик, табиийки, Кунчиқар мамлақати аҳли томонидан юксак даражада кадрланади.

Қабул чоғида меҳмонлар япон халқига эҳтироми ва одил сиёсати учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдириб, бундай руҳдаги муносабатлар кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўташини таъкидлади.

Музокараларда Ўзбекистон-Япония муносабатлари, парламентларо ҳамкорликка оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).



**Туман пиллакорлари қабул пунктларига 100 тоннадан зиёд сифатли хом ашё етказиб бериб, шартнома режасини вилоятда биринчилардан бўлиб ортиги билан адо этдилар.**

Бу йилги об-ҳаво шароити ипак куртини беталафот парвариш қилиш борасида пиллакорлардан катта маҳорат, бой тажриба, шунингдек, тинимсиз саъй-ҳаракат талаб этди. Сурункали ёғингарчилик бир томондан озуканинг мўл бўлишини таъминласа, иккинчи жиҳатдан ҳаво ҳароратининг пасайиб кетишига сабаб бўлиб, пиллахоналарда мўътадилликни сақлашда кўп қийинчиликлар туғдирди.

Ана шу нокулайликларга қарамай, ян-

### Хушхабар

## ЯНГИЙЎЛНИНГ 100 ТОННА ПИЛЛАСИ

гийўллик пиллакорлар ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифани ёруғ юз билан бажардилар. 2000 қути ипак курти агротехника қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда парваришланди. Қурт боқувчи хонадонларга бутун мавсум давомида барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Натижада туман бўйича ўртача пилла ҳосилдорлиги 52 килограммданга тўғри келди.

Айрим хўжаликлар ипак куртини мавжуд шароитда тадбиркорлик билан парваришlash борасида бошқаларга намуна бўлди. Уларнинг илғор тажрибалари мавсум давомида кенг оммалаштириб борилди. Жумладан, «Тинчлик», «Дўстлик», «Ниёзбош», Ҳамроқул Турсунқулов номли, Мирзо Улуғбек номли хўжаликларда энг юқори ҳосилдорликка эришилди. Ушбу хўжаликларнинг пиллакорлари ҳар қутисидан 60-65 килограммдан юқори навли кумуш тола йиғиштириб олдилар.


Режа барвақт уддаланган бўлсада, туман хўжаликларига пилла терими давом этмоқда. Янгийўлликлар мавжуд ҳосил чўғини чамалаб кўриб, қабул пунктларига яна камида 7 тонна хом ашё топширишга қарор қилдилар.

Самад йўлдош.

**СУРАТДА:** «Ниёзбош» ширкат хўжалиги пиллакори Алишер Турғунов 100 килограмм сифатли хом ашё топшириб, юқори натижага эришди.

### Универсиада — 2002

## МЕДАЛЛАРГА ДАЪВОГАРЛАР ОЗ ЭМАС



Тошкент Давлат аграр университетининг спорт мажмуида, Митрофанов номидаги сув спорти ҳавзасида, «Юнусобод» теннис корти ва Тошкент тумани ўйингоҳларида бир ойдан ортиқ давом этган тайёргарлик машғулоти нихоясига етди. Кеча ТошДАУда вилоятимиз универсиадачиларини Бухорога кузатиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тантанали маросимда вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов иштирок этиб, спортчи талабаларимизга универсиада ўйинларида омад ва галаба тилади.

Сафар арафасида биз айрим мураббий ва спортчилар билан мутасадди ташкилотлар томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар, тайёргарлик жараёнлари қандай кечганлиги, вилоятимиз вакиллариининг имкониятлари ҳақида суҳбатлашдик. Биринчи суҳбатдошимиз — вилоят енгил атлетикачиларининг катта мураббийи Владимир СМЕРНОВ терма жамоамизнинг мусобақаларга тайёргарлик даражасига баҳо бериш билан бирга айрим муаммоларга ҳам тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

— Мен Аграр университет

раҳбариятининг бу йилги универсиада ўйинларида пойтахт вилоятимиз ўзига муносиб ўринни эгаллаши учун зарур бўладиган барча шарт-шароитларни тўлиқ яратиб берганлигини алоҳида таъкидлашни истардим, — деди у. — Аввало, барча машғулотлар қатъий тартибқоида асосида ва юксак савияда ўтказилди. Бундан ташқари терма жамоа аъзоларининг вақтида ва тўйимли овқатланишлари, яхши дам олишлари ҳақида тинимсиз қайғурилди. Қолаверса, спортчиларимиз керакли спорт кийимлари билан тўла таъминланди. Бу масалада вилоят жисмоний

(Давоми 6-бетда).

### Француз олими билан учрашув

Тошкентда Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрталари ёш тадқиқотчиларининг француз тарихчиси Франсуа Эно билан учрашуви бўлиб ўтди.

Фанлар академияси Тарих институти, Ёш олимлар миллий жамияти ҳамда Марказий Осиёни ўрганиш Франция илмий-тадқиқот институти (IFEAC) ташаббуси билан ташкил этилган мазкур учрашув Парижда чоп этилган уч жилдлик "Ўрта асарларда (X-XV) мусулмон олами" китобининг тақдиротига бағишланди.

Франсуа Эно йиғилганларга ушбу китоб ҳақида маълумот берар экан, унда X-XV асрларда мусулмон дунёсининг давлатчилик асослари ва ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзига хос ривожланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Хулқар СОДИҚОВА,  
ЎЗА мухбири.

**Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдусодир Расултоев маҳалла оқсоқоллари, мактаб директори ва яна бир-икки фаоллар билан ободончилик хусусида суҳбатлашиб ўтирарди. Шу пайт қабулга бир гуруҳ онахонлар кириб келишди.**

— Абдусодир, болам, бир оғиз таклифингизни эшитиб, дарров қабулингизга келдик, — дея сўз бошлади онахонлар сафидаги энг ёши улуг Саври ая. — Қишлоғимиз қишлоқ бўлибдики, ҳозир сизлар бошлаган сингари савоб ишларга қўл урилмаган эди. Мана, анча йиллардан бери тўхтаб ётган автобуслар қатнови яна йўлга қўйдингизлар, чиройли гузар яратиш пайида юрибсизлар, айниқса, тоза ичимлик суви келтириш учун бошлаган ҳаракатларингизни эшитиб, ҳаммамизнинг кўнглимиз кўтарилди. Худди шу борада келиб ўтирибмиз. Қолган гапларни, мана, Турсуной айтсин...

— Биз ҳаммамиз пенсиядамиз, бўш вақтимиз кўп, — суҳбатни давом эттирди Турсуной опа. — Водопровод қачон келади, деб қараб ўтирмайлик-да, тогдан тушиб турган сувимизни кўпайтириш, ҳалоллаб ичиш ҳаракатларини қилайлик. Биз маслаҳатни бир жойга қўйиб, ариқларимизни, кўчаларимизни, хуллас, қишлоғимизнинг ҳамма тарафини покиза сақлаш учун барча аёлларни жалб қилмоқчимиз. Мард фарзандларимиз тоғларга чиқиб, булоқлар кўзини очиб, сувларимизни кўпайтиришин. Уни топ-тоза оқишини бизларга қўйиб бераверинглар. Ахир, ҳар бир хонадон бекаси оқила, покиза бўлса, ҳовлисидан ташқарига чиқинди чиқармайди, тўғрими, Моҳидаҳон?

— Жуда тўғри айтдингиз,

ҳамма чиқиндини ўчоққа қалаб, нон ёпиш чоғида тутантириқ ўрнида ёндириб юборса бўлаверади, — ўз фикрини лўнда қилиб тушунтирди навбатдаги аёл. — Катта кўчага, айниқса, оқар сувларимизга ҳеч нарса ташла-

## ОНАХОНЛАР САФГА ТУРДИЛАР

маслигимиз керак. Ўчоқдан чиққан кул ёки чорва молларининг гўнгини томорқаларимизга солсак, экин ерларимиз яйрайди. Қарабсизки, ҳаммаёқ саранжом-сарийшта, ишларимиз ҳам ривожли бўлаверади...

Қишлоқ оқсоқоли маҳаллардан ўтиб келаётганда, ариқ ёқасида тўпланишиб турган аёллар билан сўрашиб ўтаркан:

— Вақт топиб тушинглар, озодагарчилик ҳақида суҳбатлашайлик, — дея уларни таклиф қилган эди.

Онахонларнинг бунчалар ҳозиржавоб, ҳамжихат, фаол ва жонкуяр эканлиги қишлоқ раҳбарлари руҳини кўтариб,

уларни янада катта режаларга отлантирди. Шу кунгек ғайратли онахонлардан иборат махсус гуруҳ тузилиб, озодагарчилик ишлари бошлаб юборилди.

Ҳимматли онахонлар айна дамларда анча хотиржамлашган отахонларни ҳам ҳаракатга солиб юбордилар. Дастлаб улар ўз оила бошлиқларини кўзғатишди. «Биз ариқ-кўча-

аҳлининг, айниқса, онахонларнинг кўтаринки руҳда жонбозлик кўрсатишларида ўзига хос мазмун бор. Аввало қишлоқ фуқаролар йиғини бу масканни ободонлаштириш, фарзандларимизнинг фаровон ва гўзал ҳаёт кечирини учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида улкан бунёдкорлик ишларига дадиллик билан қўл урмоқда. Дастлабки қадам сифатида икки маҳалла номи тўғри танлаб расмийлаштирилди. Хондайликнинг илк аждодлари яшаб ўтган томонга қадим-қадимдаги ном — «Кўктўнли ота», шоир туғилиб ўсган томонга эса Сирожиддин-Сидқий Хондаклиқий номлари қайта тикланди. Қишлоқ гузарини яратиш мақсадида қизгин ишлар бошланиб кетди. Энг муҳими, қишлоққа тоза ичимлик сув келтириш учун бошланган ҳаракат ўз ижобий натижасини бермоқда. Кейинги йиллардаги қурғоқчиликлар туфайли тоғ булоқларининг кўпчилиги қуриб қолган, экинларни суғориш уёқда турсин, ичарга сув етишмай бораётган эди. Бу ҳақда қишлоқ халқи ва фуқаролар йиғини илтимосини вилоят ва туман ҳокимликлари қўллаб-қувватлаганлиги Хондайлик аҳли учун чинакам байрам бўлди. Бу давлатдан қишлоқ аҳли шу қадар руҳландики, ҳатто аёллар ҳам катта-катта ишларга чоғланиб майдонга чиқмоқдалар. Бу улғувор муваффақиятларнинг барчаси Президентимиз бошқараётган буюк мустақиллик, тинчлик шарофатидандир.

**Асад АСИЛ, ёзувчи.  
Бўстонлик тумани.**

### Тақдимот

## IVAX КОМПАНИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА

**ТОШКЕНТДА IVAX компанияси ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида компания президенти Эдвард Кания журналистларга мазкур тузилма фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Асл ва генерик дори препаратлари ишлаб чиқарувчи бу компаниянинг бутун жаҳон бўйлаб 30 дан зиёд завод ва филиаллари мавжуд. «IVAX-CR a.s» компанияси мустақил Ўзбекистон бозорида 2002 йилнинг 29 январидан рўйхатдан ўтган. Шу қисқа вақт мобайнида компания кўп ишларга қодирлигини исботлай олди, — деди Эдвард Кания. — Жумладан, компания республика гемодиализ ва буйраклар трансплантацияси марказига, буйрагини кўчириб ўтказган беморлар учун «Консупрен» препаратини, республика илмий ихтисослашган аллергология марказига нафас қисий хасталиги билан оғриган беморлар учун — «Стеринеб-саламол» препаратини ёрдам тариқасида тақдим этди.

Компания Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бир қатор етакчи фармацевтика компаниялари, жумладан, «Дори-дармон» ОАБ, «Технофарм», «Новотек» ҚК ва бошқалар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

**Миржалол МИРАЛИЕВ.**

## КЕКСАЛАР ҲУЗУРИГА ТАШРИФ

**Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Оҳангарон шаҳридаги мурувват уйида отахон ва онахонлар билан учрашув бўлиб ўтди.**

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, халқаро «Наврўз» ва «Экосан» хайрия жамғармаларининг вилоят бўлимлари томонидан уюштирилган мазкур тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова очди.

Самимий руҳда ўтган учрашув сўнггида тадбир иштирокчилари учун концерт дастури намойиш этилди. Шундан



кейин «Наврўз» ва «Экосан» хайрия жамғармалари вилоят бўлимлари вакиллари уруш ва меҳнат фахрийларига совғалар топширишди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Хориж сармоясини жалб этишга эътибор

**Ўзбекистон банклар ассоциациясида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, мазкур ассоциация ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан ташкил этилган мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш амалиётига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Анжуман Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз халқ хўжалигига бевосита хориж сармояларини йўналтиришни рағбатлантиришга қаратилган қарорлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди.

Семинарда Марказий банк, Ўзбекистон Банклар ассоциа-

цияси, тижорат банкларининг раҳбар ва масъул ходимлари, JICA агентлигининг мамлакатимиздаги вакиллари, Банкмолия академияси ўқитувчилари ва тингловчилари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Меҳри БОЛЛИЕВА,  
ЎЗА мухбири.**

**Пскент туманидаги «Каноп» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаяпти.**

Мазкур корхонада бугунги кунда турли миллат вакилларида иборат 230 нафар ишчи-хизматчилар уч сменада меҳнат қилишмоқда. Асосан брезент ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона биргина ўтган йили 1 миллион 177 минг метр ёки 1 миллиард 530 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берди.

2002 йилда эса, корхона жамоаси 1 миллион 500 минг метр брезент ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ҳозиргача унинг 435 минг метри тайёрланди.

— Ҳар ой туман бюджетига 60 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушириб берилаётир, — дейди биз билан суҳбатда корхона бош директори Ҳакимжон Жўраев. — Олинган соф фойданинг бир қисми саховат ишларига сарфланмоқда. Шу кунга қадар 1 миллион сўмликдан ортиқ хайрия ишларини амалга оширдик.

Корхонада яна бир тадбирга қўл урилди: ёз мавсуми олдидан ишчи-хизматчилар фарзандлари учун Бўстонлик туманининг сўлим гўшасида жойлашган «Келажак» номли болалар оромгоҳи 60 миллион сўмга сотиб олгани, 20 миллион сўмликдан ортиқ таъмирлаш ишлари бажарилди ва мавсумга шай ҳолатга келтириб қўйилди. Энди бу ерда ёзги таътилда 900 нафар бола дам олиш имкониятига эга. Бундан корхона ишчилари ва уларнинг фарзандлари бирдек мамнун бўлмоқдалар.

**Ақбар АЛЛАМУРОВОВ,  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

### Ҳамкорлик

## «КАНОП» ОЧГАН «КЕЛАЖАК»



**СУРАТДА: корхонанинг илғор тўқувчиларидан бири — Марҳамат Бобоева иш устида.**

**Муаллиф олган сурат.**

## Халқаро кўргазма

Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида ер қобиғида нефть-газ шаклланиши ва нефть-газ тўпланишининг геодинамик ҳолатига бағишланган халқаро илмий-техник анжуман ҳамда "Нефть ва газ - OGU-2002" кўргазмаси очилди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси ҳамда Буюк Британиянинг ITE Group Plc халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.


Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В.Отаев мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда нефть-газ мустақиллигига эришишнинг стратегик вазифаларини белгилаб бергани, бунинг натижасида республикада 1995 йилдаёқ нефть ва газ мустақиллигига эришганини қайд этди. Айна вақтда Ўзбекистон ўзини нефть ва газ маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, балки уни экспорт ҳам

қилаётир.

ITE халқаро кўргазма компанияси вице-президенти, Лондон шахрининг собик мэри Хью Бидвелл нефть ва газ саноатини ривожлантиришда Ўзбекистон ўзига хос йўлдан бориб, ислохотларни халқаро нефть ва газ бозори талабларига мос равишда изчил амалга ошираётганини таъкидлади. Бу эса хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритишга бўлган қизиқишини тобора ошироқда.

Анжуманда Россия Фанлар академияси академиги В.Хаин, халқаро Бош энергия хартияси котибияти котиби Риа Кэмпер хоним, Shell компанияси вакили Жон Тот ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.


Икки кун давом этадиган тад-



бир доирасида ташкил этилган кўргазмада эса маҳаллий ҳамда Compressor Controls Corporation, Dresser-Rand, Dressta, Lukoil каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган ўттиздан зиёд фирма ва компаниянинг нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб беришда зарур бўлган энг замонавий техника ва технологиялар намойиш этилмоқда.

## Ҳужжат имзоланди

Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Экстрадиция тўғрисидаги икки томонлама шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланди.



Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра имзо чекди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг 2000 йили Ҳиндистонга буюрган расмий ташрифи чоғида имзоланган мазкур шартнома икки давлат парламентлари томонидан ратификация қилинди.

Ушбу шартномага кўра, бир давлат ҳудудидан қонунни бузганликда гумон қилинаётган шахс иккинчи давлат ҳудудидан эканлиги аниқланса, жинойат амалга оширилган давлатга қайтариб берилади.

Ҳужжат имзоланган маросимида мазкур шартнома Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг террорчиликка қарши биргаликда курашиши учун кенг имкониятлар очиши таъкидланди.

## Энергиянинг муқобил манбалари

Тошкентдаги "Шодлик Палас" меҳмонхонасида гибрид қуёш-шамол тизимларини самарали қўллаш усулларига бағишланган халқаро симпозиум бошланди.



Тадбир Ўзбекистондаги тикланадиган энергия манбаларини тадқиқ этувчи муассасалар ҳамда НАТО ва бошқа айрим халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов очди.

Симпозиумда ўзбекистонлик олимлар билан бир қаторда,

дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ташриф буюрган мутахассислар, олим ва тадқиқотчилар иштирок этмоқда. Икки кун давомида энергия олишнинг муқобил усуллари, хусусан қуёш ҳамда шамол энергиясидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасидаги кўп йиллик тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинади.

## «Экология ва саломатлик» — иккинчи босқич

"Экосан" экология ва саломатлик халқаро жамғармасида бўлиб ўтган йиғилишда республикада Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган Экология ва саломатлик кунларининг иккинчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари муҳокама этилди.

Унда республика вазирликлари, идоралари, жамоат ташкилотлари, йирик корхоналар раҳбарлари, олимлар, шифокорлар, экологлар иштирок этди.

Йиғилишни "Экосан" жамғар-

ломатлик кунларининг иккинчи босқичи 1 июнда бошланади ва ёз буйи давом этади. Амалга ошириладиган тадбирлар, биринчи навбатда, ҳамма жойда тозалик ва тартибни сақлашга қаратилиши лозим, дея таъкидланди йиғилишда.



маси раиси Ю. Шодиметов бошқарди.

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Экология ва са-

## "Бонус" кўл келмоқда

Иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлган хусусийлаштириш жараёнида акциялар савдоси катта аҳамият касб этади.



Лекин бугунги кунда фуқароларимиз акциялар савдосининг мазмун-моҳиятини тўла англаб етмаётганлиги сабабли қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок етмаётгани ҳам сир эмас.

Акциялар савдоси билан мунтазам шуғулланиб келаётган Республика Фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосига харидорларни жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Бонус" тизими бўйича танлов шаклидаги қизиқарли савдо уюштирила бошланди. Бу тизимда брокерлар орқали биржа томонидан танлаб олинган эмитентларнинг (акция чиқариш ва сотиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар) камида 10 минг сўмлик акциясини сотиб олган жисмоний шахсларга мукофот бериш орқали акциялар харидорлари кўпайтирилади.

— Ўтган ҳафтада Фонд биржасида 135 минг 366 акция 336 миллион 79 минг 541 сўмга сотилди, — деди биржа таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Ҳақимжонов ўЗА муҳбирига. — "Бонус" савдосида хусусий сармоядорлар томонидан 24 эмитентнинг акциялари харид қилинди. Белгиланган учта эмитентнинг 10 минг сўмдан кам бўлмаган миқдордаги акцияларини сотиб олган харидорларга ҳамми 334 минг сўм мукофот берилди.

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 26 июнь, 3, 10, 17, 24, 31 июль кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги кимошди ва биржа савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Юқоричирчиқ тумани «Гулистон» ширкат хўжалиги «Дархон» қишлоғидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 6та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 51 852 сўм.**
2. Юқоричирчиқ тумани «Усмонобод» қишлоғидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 6та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 23 200 сўм.**
3. Юқоричирчиқ тумани «Акмал» қишлоғи Навоий маҳалласидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 4та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 23 200 сўм.**
4. Юқоричирчиқ тумани «Оқ тепа» қишлоғидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 2та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 23 200 сўм.**
5. Юқоричирчиқ тумани «Кунақсари» қишлоғидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 6та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 23 200 сўм.**
6. Паркент тумани «Паркент» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 27та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 26 100 сўм.**
7. Паркент тумани «Бойқозон» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 10та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 26 100 сўм.**
8. Паркент тумани «Гулбоғ» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 14та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 26 100 сўм.**
9. Паркент тумани «Сурхи» мавзесида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 10та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 51 852 сўм.**
10. Оққўрғон тумани «Гулистон» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 4та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 34 800 сўм.**
11. Оққўрғон тумани «Султонобод» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 4та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 34 800 сўм.**
12. Оққўрғон тумани А. Навоий номи ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 4та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 34 800 сўм.**
13. Оққўрғон тумани «Оққўрғон» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 4та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 34 800 сўм.**
14. Оққўрғон тумани «Қанқа» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 2та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 34 800 сўм.**
15. Оққўрғон тумани «Маданият» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 4та ер майдони.  
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 34 800 сўм.**

**Эслатма:** ер майдонларига аризаларни қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр қучаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

## Оромгоҳлар болаларга

Бу йил болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига алоҳида эътибор қаратиляпти.



Зеро, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон этиб вояга етказиш тўғрисида тинмай гамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Жорий йилда бу тадбир қандай ўтади, оромгоҳлар мавсумга шайми?

— Бу йил 270 минг нафар ўғил-қиз оромгоҳларда ўз саломатлигини мустаҳкамлаб, хордиқ чиқаради, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош мутахассиси Мавлуда ШУКУРОВА. — Шу мақсадлар учун қарийб 2 миллиард 584 миллион сўм маблағ сарфланади. Мавсум анъанага кўра, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан бошланади.

Мавсумда 747 болалар соғломлаштириш оромгоҳи очилади. Айна пайтда айрим мактаблар ҳузурида ҳам дам олиш масканлари ташкил этилади.

Ҳар йилгидек, бу ёзда ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келадиган ўқувчи-ёшлар Тошкент вилояти ва пойтахтимиз ҳудудидagi энг сўлим оромгоҳларда хордиқ чиқаради.

Йўлланма қийматининг эллиқ фоизи касаба уюшмаларининг ижтимоий суғурта жамғармасидан, қолган қисми хўжалик ташкилотлари, касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан қопланади.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

## DUSHANBA

27

## «Ўзбекистон» телеканал

Телетомошибилар диққатига! «Ўзбекистон-1» телеканални ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 «Тахлилнома».  
15.45 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Умид юлдузлари».  
16.05 Эстрада тароналари.  
16.25 ТВ анонс.  
16.30 «Ошин». Телесериал.  
17.00 «Талабалик йилларим».  
17.20 ТВ клип.  
17.30 «Кино оламида».  
17.55 ТВ маркет.  
18.00 Янгилıklar.  
18.10 «Ок бўғалоқ».  
18.30 «Мулк».  
18.45 «Бахтли воқеа».

Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишланган бадий спорт байрами. Бухоро шаҳридан олиб кўрсатилди (ёзиб олинган)  
22.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».  
23.00 «Ахборот - дайжест».  
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр тонги.  
10.00 «Янги авлод» студияси:  
10.20 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
10.35 Яқшанбада кўришгунча.  
10.50 Муסיқий лаҳзалар.  
11.00 «Давр ҳафта ичида».  
11.30 Жаҳон жуғрофияси.  
12.20 Саломатлик сирлари.  
12.40 Давр-news.  
13.00 Саид Аҳмад.  
«Келинлар кўзголини». Спектакль. 1-қисм.  
14.10 Кўҳна оҳанглар.  
14.25 «Келинлар кўзголини». Спектакль. 2-қисм.  
15.25 Спорт ҳафтанома.  
15.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
16.30 «Озод юртнинг умид юлдузлари» («Ўзбектеlevision» фильм)  
17.00 Кўрсатувлар дастури.  
17.05 «Янги авлод» почтаси, «Хамма нарсани билишни

истайман».  
17.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.45 Сўнги кўнғироқ.  
18.00 Ватан манзаралари.  
18.20 Оқшом наволари.  
18.35 Хоразм телерадиокомпанияси тақдим этади: «Хива-шарқ гавҳари».  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Муқаддас бурч.  
20.10 Ёшлар овози.  
20.30 Ёшлик наволари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».

Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.  
00.55-1.00 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 Болажонлар экрани. «Жуманжи». 20-21 сериаллар.  
18.10 «Спорт ва болалар».  
18.25, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.45 «Халқ саломатлиги йўлида».  
19.10 «ТВ плюс».  
19.35, 20.30, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 «Камалак».  
20.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.  
21.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».

22.30 «Пойтахт шарҳи».  
22.55 Кинонигоҳ. «Одри Хепберн тарихи». 1-қисм.  
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Қайсарлар ва довораклар». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.25 М. Еадоқимов хузурида меҳмонда.  
18.00 «Мени кутгил».  
19.00 «Заиф бўғин».  
20.00 «Время».  
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.  
21.15 «ТВ-4да Немис тўлкини».  
21.35 Кинематограф.

«Упқон». Бадий фильм.  
23.55 «Ахборот» (рус тилида)  
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.

17.00 Дастурнинг очилиши.  
17.05 Ҳужжатли кино: «Одам ва денгиз».  
17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
18.05 «Саломея». Телесериал.  
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Салом ва хайр».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона», муסיқий дастур.  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Само урушлари».  
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.  
24.00 Ярим тунда спорт.

## SESHANBA

28

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Бугдойзорлар оралаб». Бадий фильм.  
11.35 «ТВ-альманах».  
11.55, 15.45 ТВ анонс.  
12.05 «Париси бор уй».  
12.35 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.  
13.35 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.  
14.10 Кундузги сеанс: «Муҳаббат тилсими». Бадий фильм.

15.25 «Қишлоқ ҳаёти».

## Болалар сайёраси:

15.50 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
16.45 ТВ клип.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Баркамол авлод орзуси».  
18.30 «Инсон ва қонун».  
18.50 «Олтин мерос».  
19.05 «Тафсилот».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Солиқ ва биз».  
21.20 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.  
21.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист С. Қозиева.  
22.15 «Ўзбекистон» каналда

илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.45 «Ахборот - дайжест».  
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Хамма нарсани билишни истаймани».  
9.40 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.55 Сўнги кўнғироқ.  
10.10 Бизнес-академия.  
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.55 ТВ-саёҳат.  
11.15 Муסיқий лаҳзалар.  
11.25 «Универсиада - 2002». Спорт ўйинларининг очилишига бағишланган бадий спорт байрами. Бухоро шаҳридан олиб кўрсатилди (ёзиб олинган)  
12.55 Кўҳна оҳанглар.  
13.05 Интерфутбол.  
14.45 Ёшлар овози.  
15.05 «Девона». Бадий

фильм. 1-қисм.  
16.25 Кўрсатувлар дастури.  
16.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
16.50 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.05 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни олдидан «Чекиш-соғлиққа зарар».  
17.15 Таянч.  
17.40 Сўнги кўнғироқ.  
17.55 Минг бир маслаҳат.  
18.15 Автопатруль.  
18.35 Сифат белгиси.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Давр-интервью.  
19.55 «Универсиада-2002» кундалиги.  
20.05 Ўзбек мумтоз муסיқасидан.  
20.10 Оддий одамлар.  
20.30 Муҳаббат кўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: «Нокаут».  
23.30 «Давр». Ахборот дастури.  
23.45-23.50 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.  
18.10 «Шаҳримиз дурдоналари».  
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.45 «Санъатта баҳшида умр».  
19.05 «Туризм ҳақида».  
19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 «Эқтиром ила».  
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
21.50 «Нима учун?»  
23.00 Кинонигоҳ. «Одри Хепберн тарихи». 2-қисм.  
23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Қайсарлар ва довораклар». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.25 Е. Петросьянининг «Кулгу панорамаси».  
17.55 «Ойлавий ришталар». Сериал.  
18.50 Пласидо Доминго. Концерт дастури.  
20.00 «Время».  
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.  
21.15 «Тарих кўзгуси». Кудзе Като.  
21.35 Кинематограф. «Агира». Бадий фильм.  
23.00 «Ахборот» (рус тилида)  
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 —

«Телехамкор».  
9.30, 14.15 — Болалар соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.  
10.50 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.  
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.05 «Сохта ном чиқарганлар». Сериал.  
13.40 «Майами сендс». Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал: «Ўғри бўлиб туғилган».  
16.50 «Футурама». Мультсериал.  
17.15 Ҳужжатли кино. «Таймслот».  
18.10 «Саломея». Телесериал.  
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Гаровга олинганлар-1».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур.  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Коктейль».  
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.  
24.00 Ярим тунда спорт.

## CHORSHANBA

29

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Кўш ҳам эмас, ҳайвон ҳам». Мультфильм.  
9.10 «Кўҳна замин оҳанглари».  
9.40 «Портретга чизгилар».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar.  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
10.25 «Кўк қуш». Бадий фильм.  
12.05 «Баркамол авлод орзуси».  
12.25, 16.55 ТВ анонс.  
12.30 «Хуш кайфият».  
13.00 «Ошин». Телесериал.  
13.30 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.  
14.10 «Остонаси тиллодан».  
14.30 Кундузги сеанс: «Алп

ийгининг уйланиши». Бадий фильм.  
15.35 ТВ клип.  
15.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
16.05 «Ягона оилада».  
16.35 «Таянч нуқтаси».

## Болалар сайёраси:

17.00 1. «Шоирлар болаларга». 2. «Кувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.  
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
18.30 «Умид» телелотереяси.  
19.10 «Асака мўъжизаси».  
19.20 Бир жуфт кўшиқ.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Киноконцерт.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Ҳамроз билан». О. Ҳакимов.  
21.40 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.  
22.10 «Ўзбекистон» каналда

илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.40 «ТВ клуб».  
23.05 «Ахборот - дайжест».  
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.50 Сўнги кўнғироқ.  
10.05 Давр-интервью.  
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.50 «Универсиада-2002» кундалиги.  
11.00 Таянч.  
11.25 «Живовланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.  
12.15 Ёшлар овози.  
12.35 Ватан манзаралари.  
12.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.  
13.35 Кўҳна оҳанглар.  
13.45 Синдшо.  
14.05 Муқаддас бурч.

14.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
15.15 Автопатруль.  
15.35 «Девона». Бадий фильм. 2-қисм.  
16.50 Кўрсатувлар дастури.  
16.55 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Шум болалар».  
17.25 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.40 Сўнги кўнғироқ.  
17.55 Фарзандим-жигарбандим.  
18.10 Чемпион сирлари.  
18.30 Оқшом наволари.  
18.40 Каталог.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Сийрат.  
20.00 Спорт-лото.  
20.10 Очил дастурхон.  
20.25 «Универсиада-2002» кундалиги.  
20.35 «Ер ишқи». Муסיқий дастур.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».

Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.  
00.55-1.00 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.  
18.25, 20.00, 21.30, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 10-қисм.  
19.10 «Муסיқий меҳмонхона».  
19.35, 21.15, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 ТТВда муסיқа.  
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
21.50 «Ўзбегим навоси».

22.50 Кинонигоҳ. «Одри Хепберн тарихи». 3-қисм.  
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим.

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Қайсарлар ва довораклар». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.25 «Машҳурлар».  
18.00 «Ойлавий ришталар». Сериал.  
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.  
20.00 «Время».  
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.  
21.15 «Евроныос видеожурнали».  
21.35 Кинематограф. «Соткинлар хиёнаткорларга қарши». Бадий фильм.  
23.15 «Ахборот» (рус тилида)  
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.15 — Болалар соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.  
10.50 «Яши кайфият».  
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.05 «Сохта ном чиқарганлар». Сериал.  
13.40 «Майами сендс». Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал: «Ўғри бўлиб туғилган».  
16.50 «Футурама». Мультсериал.  
17.15 «Овқат шинавандалари учун саёҳат». Сериал.  
18.10 «Саломея». Телесериал.  
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Гаровга олинганлар-2».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур.  
21.30 Хинд киноси: «Орзуимдаги қиз».  
24.00 Ярим тунда спорт.

## PAYSHANBA

30

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
Болалар сайёраси:  
9.00 1. «Шоирлар болаларга». 2. «Кувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar  
10.05 «Малласоч хоним». Бадий фильм.  
11.20 «Муסיқа: кеча ва бугун».  
11.40 Болалар учун. «Фламинго».  
12.05 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
12.25 «Ҳамроз билан». О. Ҳакимов.  
13.00 «Ошин». Телесериал.  
13.30 «Универсиада - 2002»

спорт ўйинларининг кундалиги.  
14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».  
15.10 «Китоб ҳавонингизга».  
15.30 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Чортоқ».  
15.40 «Депутат».  
16.00 «Куйла, ёшлигим».  
16.20 «Интилганга толе ёр».  
16.40 ТВ анонс.  
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.  
Болалар сайёраси:  
17.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Ҳазил, ҳақ, хангома».  
18.10 «Ажаб саодат эрур».  
18.30 «Яши ният».  
Телелотерея.

19.05 «Инсон ва қонун».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Бойсун баҳори». 1-қисм.  
21.45 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.  
22.15 «Парламент вақти».  
22.35 «Йўл бошида».  
22.55 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
23.45 «Ахборот-дайжест».

00.05-00.10 Ватан тимсоллари.  
«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Шум болалар».  
9.45 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
10.00 Сўнги кўнғироқ.  
10.15 Тафаккур ёлқинлари.  
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.  
11.00 «Универсиада-2002»

кундалиги.  
11.10 Муסיқий лаҳзалар.  
11.20 Спорт китъаси (рус тилида)  
11.45 Сенинг вақтинг (рус тилида)  
12.05 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни олдидан «Чекиш-соғлиққа зарар».  
12.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
13.00 Ёшлар овози.  
13.20 Кўҳна оҳанглар.  
13.25 Сийрат.  
13.45 Сифат белгиси.  
13.55 Интерфутбол.  
15.30 «Бувам, Килян ва мен». Бадий фильм.

16.50 Кўрсатувлар дастури.  
16.55 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». «Болалар учун концерт».  
17.20 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.  
17.35 Сўнги кўнғироқ.  
17.50 Оғоҳ.  
18.05 Аскар мактублари.  
18.25 Табабат оламида.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 «Давр»-интервью.  
19.55 Кўҳна оҳанглар.  
20.05 «Универсиада»

2002- кундалиги.  
20.15 Мезон.  
20.35 Ёшлик наволяри.  
20.50, 21.25, 22.35  
Эълонлар  
20.55 «Эсмэральда».  
Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳаси».  
Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Ринг»

кироллари».  
00.05 «Давр». Ахборот  
дастури.  
00.20 «Иртқиқлар».  
Хужжатли фильм.  
1.10-1.15 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал:  
«Санта-Барбара» (яқунлов-  
чи)  
18.00 Болажонлар экрани.  
Мультипликация.

18.25, 20.00, 21.30, 22.35  
«Пойтахт». Ахборот  
дастури.  
18.45 ТТВда сериал: «Бу  
хам кино». 11-12-серия.  
19.35, 21.15, 22.15  
«Экспресс» телегазетаси.  
19.50 «Жозеба».  
20.30 ТТВда сериал:  
«Бибилиска пул».  
21.50 «Камолот фасли».  
22.30 «Соғинч».  
23.00 Кинонигоҳ.  
«Галатепалик авлиё».  
23.25-23.30 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»

**«Халқаро»  
телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Қайсарлар ва  
доюрақлар». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда».  
Ахборот кўрсатуви.  
17.25 «Биз анойи эмасми».  
Ҳажвий кўрсатуви.  
18.00 «Оилавий ришталар».

Сериал.  
20.00 «Время».  
20.35 «Дилбарларим ва  
дилбандларим». Сериал.  
21.15 «Ишбилармон  
кишилар».  
21.40 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
21.50 Кинематограф.  
«Голливуд тарихи». Бадий  
фильм.  
23.20 «Ахборот» (рус тилида)  
23.50 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»

**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 —  
«Телехамкор».  
9.30, 14.25 Болалар соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг  
сирли рицари» Сериал.  
10.50 «Яши қайфият».  
11.20 «Иблис боласи».  
12.05 «Сохта ном чиқарган-  
лар». Сериал.  
13.40 «Майами Сендс».  
Сериал.  
15.10 Кундузги киносеанс:  
«Ўғри бўлиб тузилган».

16.50 «Симпсонлар».  
Мультипликация.  
17.15 «Кино, кино, кино».  
18.10 «Саломея». Телесе-  
риал.  
19.00 «30-канал» киноқ-  
шоми: «Шереметов-2».  
21.00 «Хайрли тун,  
кинжойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусиқий  
дастури.  
21.30 «30-канал» киноқ-  
шоми: «Бўрилар билан  
рақслар». 1-серия.  
23.15 «Тез ёрдам».  
Сериал.  
24.00 Ярим тунда спорт.

**JUMA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекис-  
тон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Болалар сайёраси:**  
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк».  
2. «Ҳазил, ҳажв,  
ҳангома».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар  
10.05 «Инсон ва қонун».  
10.25 Кундузги сеанс:  
«Малина виноси». Бадий  
фильм.  
11.55, 14.30, 15.55 ТВ  
анонс.  
12.05 «Йиллар ва йўллар».  
12.25 «23,5 даражали  
бурчак остида». Телесе-  
риал премьераси. 81-  
қисм.  
12.50 «Бойсун баҳори». 1-  
қисм.  
13.30 «Универсиада-2002»  
спорт ўйинларининг  
кундалиги.

**31**  
14.10 «Озод юрт одамлари».  
14.35 «Ўзбектелефильм»  
намоиши: «Суръат  
Пўлатов». Премьера.  
15.05 «Ўзбекистон - Ватаним  
маним».  
15.35 «Парламент вақти».  
16.00 «Фарзанд - умид  
юлдузи».  
16.30 ТВ клип.  
16.40 «Хуқуқ сабоқлари».  
**Болалар сайёраси.**  
17.00 «Ўйла, изла, топ».  
Телемусобақа.  
17.40 «Нурли манзиллар».  
18.10 «Тафсилот».  
18.25 «Омад қувончи».  
Телелотеряя.  
19.05 «Сихат-саломатлик».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00  
Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Бир жуфт кўшиқ.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Бойсун баҳори». 2-  
қисм.  
21.45 «Универсиада - 2002»  
спорт ўйинларининг  
кундалиги.  
22.15 «Ўзбекистон» каналда

илк мартаба: «Ошин».  
Телесериал премьераси.  
22.45 «Бу ажиб фасл».  
Телеальманах.  
23.05 «Ахборот - дайжест».  
23.25-23.30 Ватан  
тимсоллари.  
**«Ёшлар»  
телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси:  
«Спорт майдончаси»,  
болалар учун концерт.  
9.40 Сўнги кўнгирак.  
9.55 «Давр»-интервью.  
10.10 «Эсмэральда».  
Телесериал.  
10.40 «Универсиада-2002»  
кундалиги.  
10.50 Мезон.  
11.10 Болалар экрани:  
«Арабелла - қароқчи  
қизи».  
12.20 Ёшлар овози.  
12.40 Бутунжаҳон тамакига  
қарши кураш кўни «Чекиш-  
соғлиққа зарар».  
12.50 Минг бир маслаҳат.  
13.10 «Жюли Леско».  
Бадий фильм 3, 4  
қисмлар.

14.40 Кўҳна оҳанглар.  
14.50 Кўли гул уста.  
15.10 Саломат бўлинг.  
15.30 «Янги авлод»  
студияси: Халқаро  
болаларни ҳимоя қилиш  
кўнига «Дунё ва болалар».  
15.55 Ёшлар овози.  
16.15 Хуқуқ ва бурч.  
16.30 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Франция-  
Сенегал.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.30 Сўнги кўнгирак.  
18.45 Оқшом наволяри.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Аср қиёфаси.  
20.00 Ўзбек мумтоз  
музикасидан.  
20.05 «Универсиада-2002»  
кундалиги.  
20.15 «Ёшлар» телеканал  
ва Навоий вилояти  
телерадиокомпанияси  
тақдим этади: «Жараён».  
20.40, 21.15, 22.35  
Эълонлар  
20.45 «Эсмэральда».  
Телесериал.  
21.20 «Бунёдкор» ёшлар

телеклуби.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
22.40 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: 1. Футбол бўйича  
жаҳон чемпионатининг  
тантанали очилиш  
маросими. 2. Футбол.  
Жаҳон чемпионати.  
Франция-Сенегал (ёзиб  
олинган)  
1.00-1.05 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 Болажонлар экрани.  
«Ачиқ данак».  
18.25, 20.00, 21.30, 22.30  
«Пойтахт». Ахборот  
дастури.  
18.45 ТТВда сериал: «Бу  
хам кино». 13-14 сериялар.  
19.35, 21.15, 22.00  
«Экспресс» телегазетаси.  
19.50 Мусиқий таанафус.  
20.30 ТТВда сериал:  
«Бибилиска пул».  
21.45 «Саломатлик маскани».  
22.15 «Кўркем-ўлкам».  
22.55 Кинонигоҳ.  
«Серапада».  
23.25-23.30 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»

**«Халқаро»  
телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Қайсарлар ва  
доюрақлар». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда».  
Ахборот кўрсатуви.  
17.25 «Дурдаршан».  
17.50 Футбол бўйича Жаҳон  
чемпионатининг тантанали  
очилиши. Франция -  
Сенегал терма жамоалари.  
Кўрсатув Жанубий  
Кореядан олиб кўрсатила-  
ди.  
20.00 «Время».  
20.30 «Муъжизалар  
майдони».  
21.30 «Оханрабо». Мусиқий  
дастури.  
22.10 «Кун мавзуси».  
22.30 Кинонинг олтин асри:  
«Бренда Старр». Бадий  
фильм.  
23.55 «Ахборот» (рус тилида)  
00.25 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 17.40, 20.35 —  
«Телехамкор».  
9.30, 14.15 — Болалар  
соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг  
сирли рицарлари».  
Сериал.  
10.50 «Сухбатдош». Дам  
олиш дастури.  
11.20 «Иблис боласи».  
Телесериал.  
12.05 «Сохта ном чиқарган-  
лар». Сериал.  
13.40 «Майами сендс».  
Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал:  
«Ўғри бўлиб тузилган».  
16.50 «Симпсонлар».  
Мультипликация.  
17.15 «Шоҳид». Хужжатли  
сериал.  
18.10 «Саломея». Телесе-  
риал.  
19.00 «30-канал» киноқ-  
шоми: «Тикиб бўлинган  
пуллар».  
21.00 «Хайрли тун,  
кинжойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусиқий  
дастури.  
21.30 «30-канал» киноқ-  
шоми: «Бўрилар билан  
рақслар». 2-серия.  
23.15 «Тез ёрдам».  
Сериал.  
24.00 Ярим тунда спорт.

**SHANBA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
**«БОЛА КУЛАС - ОЛАМ  
КУЛАС!»**  
Халқаро болаларни ҳимоя  
қилиш кўнига бағишланган  
узлусиз теледастур.  
1-июнь - бутун дунё  
болаларининг байрами.  
Шу муносабат билан  
«Ўзбекистон» телеканал  
ижодкорлари ҳам ёш  
томошбинлар учун  
оқшомгача давом  
этадиган теледастур  
тайёрламоқдалар.  
Дастурдан ўрин олган.  
«Гулгунчалар», «Маҳалла-  
миз болалари», «Муъжи-  
залар майдончаси»,  
«Ягона оилада», «Митти-  
войлар оиласи», «Юлдуз  
булишни хоҳлайман» каби  
ранг-баранг кўрсатувлар,  
ажойиб куй ва кўшиқлар,  
қизиқарли хангомалар,  
сиз азиз болажонларга  
манзур бўлади, деб

**1**  
ўйлаймиз. Шунингдек, янги  
кўп-серияли «Покахонтос»  
мультифильми ҳамда  
«Кичкина малика» бадий  
фильмининг премьераси  
болалар учун ажойиб  
байрам совғаси бўлади,  
деган умиддамиз.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Соғлом она - соғлом  
бола».  
**Спорт дастури**  
21.25 «Универсиада-2002»  
спорт ўйинларининг  
кундалиги.  
21.55 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионатининг кундалиги.  
22.10 «Юлдуз бўлишни  
хоҳлайман». Байрам шоу-  
дастури.  
23.35 «Ахборот-дайжест».  
23.55 «ТВ-альманах».  
00.15-00.20 Ватан  
тимсоллари.

**«Ёшлар»  
телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси:  
Халқаро болаларни ҳимоя  
қилиш кўнига «Дунё ва  
болалар».  
9.25 Табобат оламида.  
9.45 «Эсмэральда».  
Телесериал.  
10.15 «Универсиада-2002»  
кундалиги.  
10.35 Ёшлар овози.  
10.55 Огоҳ.  
11.10 Сўнги кўнгирак.  
11.25 Мусиқий лаҳзалар.  
11.30 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Ирландия-  
Камерун.  
13.20 ТВ-анонс.  
13.30 Халқаро болаларни  
ҳимоя қилиш кўни. «Бола  
тилидан».  
14.00 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Уругвай-  
Дания.  
15.50 «Янги авлод»  
студияси: «Катта таанаф-  
фус».  
16.15 «Буюк ипак йўли

оҳанглари».  
16.30 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Германия-  
Саудия Арабистони.  
18.20 Кўрсатувлар дастури.  
18.25 Кинотақдим.  
18.45 Оқшом наволяри.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Каталог.  
19.50 Ўзбек мумтоз  
музикасидан.  
19.55 Давр-интервью.  
20.10 «Универсиада-2002»  
кундалиги.  
20.20 Аёл қалби наволяри.  
20.35 Кутилмаган меҳмон.  
20.55, 21.45, 22.35  
Эълонлар  
21.00 Жюли Леско». Бадий  
фильм. 5 қисм.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Футбол. Жаҳон  
чемпионати.  
00.40-00.45 Хайрли тун!

**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультичархалак».  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.40 «Ташриф».  
19.00, 20.20, 21.15  
«Экспресс» телегазетаси.  
19.15 «Хусусийлаштириш:  
қадам-бақадам».  
19.35 «Мисли гавҳар».  
19.50 «Нима унун?»  
20.35 «Табриклаймиз-  
кутлаймиз».  
21.30 «Хамшаҳарлар».  
21.50 Кинонигоҳ. «Аёл  
тақдирини». 1-2 қисмлар  
23.50-23.55 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.10 Е. Петросяннинг «Кулгу  
панорамаси».  
9.45 «Лаззат».  
10.05 «Хайвонот олами».  
10.45 «Сихат- саломатлик».  
11.20 «CF янгиликлари».

11.35 «Инглиз тили Сиз  
учун».  
12.00 «Менинг шаҳрим».  
12.20 Дўстлик видеоканали:  
«Умид», «Чинсан», «Бизнен  
мирас».  
13.20 «Немис тили».  
13.50 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Уругвай-Дания  
терма жамоалари  
учрашуви. Жанубий  
Кореядан олиб кўрсатила-  
ди.  
16.45 Кўрсатувлар тартиби.  
16.50 «Мультисеанс».  
17.15 CF тақдим этади:  
«Бешиччи ўлчов».  
17.40 «До-ми-соль шоу».  
Болалар учун дастур  
(Байрам сони)  
19.00 «Ким миллионер  
булишни истайди?» Телеўй-  
ин.  
20.00 «Время».  
20.30 «Нима? Қаерда?  
Қачон?»  
21.40 «Бизнес-ревью».  
21.45 «7 дан 70 гача».  
22.15 «Ассалом Франция!»

22.30 Кинематограф.  
«Лурин ҳимояси». Бадий  
фильм.  
00.10 Ахборот (рус тилида)  
00.40 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 —  
«Телехамкор».  
9.30 «Малика Сиси».  
Мультипликация.  
10.00 Болалар учун фильм.  
11.30 «Тивистинг қувноқ  
оиласи». Телесериал.  
12.00 Оилавий кино:  
«Келажакка қайтиб». 1-  
серия.  
13.40 «Баффи». Телесе-  
риал.  
14.30 Ҳинд киноси: «Дарз».  
16.40 «Яширин камера  
билан». Юмор дастури.  
17.00 «Ўз ўйини». Телешоу.  
18.10 «30-канал» киноқ-  
шоми: «Муҳаббат ва  
мафия».  
19.50 «Ошиқона». Мусиқий  
дастури.  
20.00 «Вовочка». Сериал.  
21.00 Детектив соати.  
21.45 «30-канал» киноқ-  
шоми: «Бун ҳаёт  
дейдилар. Бўлган воқеа».  
23.30 Мусиқий дастури.

**YAKSHANBA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекис-  
тон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар  
учун кинодастур.  
9.10 «Фаройибот».  
9.30 «КОАП». Мульти-  
фильм.  
10.00 «Ватанимга хизмат  
қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
**Болалар сайёраси:**  
11.20 «Маҳалламиз  
болалари».  
12.10 «Пазандалик  
сирлари».  
12.20 Кундузги сеанс:  
«Замонлар оша-1».  
Бадий фильм.  
14.00 «Юлдуз бўлишни  
хоҳлайман». Байрам-шоу  
дастури.  
15.20 «Дунё эшиклари

**2**  
очилди бизга».  
**«Адабий жараён»:**  
15.40 1. «Ёзувчи ва замон».  
2. «Дунё адабиёти». 3.  
«Шеър ва шуур».  
16.20 «Қорақалпоқнома».  
16.45 «Бу қадим йўлларда».  
17.00 «Оқ олтин».  
Телелотеряя.  
17.40 «Қалб гавҳари».  
18.00 «Талабалик йилларим».  
18.20 «Олтин тож». Телеви-  
зион ўйин.  
18.45 «Кўшигимиз сизга  
армуғон».  
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10  
Эълонлар  
19.30 «Тахлилнома» (рус  
тилида)  
20.05 Эстрада тароналари.  
20.30 «Тахлилнома».  
21.15 «Универсиада - 2002»  
спорт ўйинларининг  
тантанали ёпилишига  
бағишланган бадий спорт  
байрами. Бухоро шаҳридан

олиб кўрсатилади (ёзиб  
олинган)  
22.40 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
**Яқшанба  
кинозали:**  
22.55 «Ўзбекистон» каналда  
илк мартаба: «Замонлар  
оша-2». Бадий фильм.  
00.35-00.40 Ватан  
тимсоллари.  
**«Ёшлар»  
телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
8.50 «Янги авлод» студияси:  
«Ким эпчил-у? Ким  
чаққон?»  
9.15 Мультифильм.  
9.35 Давр-интервью.  
9.50 «Рамаёна». Телесериал.  
10.25 ТВ-анонс.  
10.30 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Аргентина-  
Нигерия.  
12.20 «Универсиада-2002»  
кундалиги.  
12.30 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Парагвай-  
ЖАР.

14.20 Кўҳна оҳанглар.  
14.30 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Англия-  
Швеция.  
16.20 Мусиқий лаҳзалар.  
16.30 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Испания-  
Словения.  
18.20 Кўрсатувлар дастури.  
18.25 «Хўжмакул ва унинг  
шогирдлари» («Ўзбектеле-  
фильм»)  
18.45 Оқшом наволяри.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр» - news.  
19.20 Ёшлик наволяри.  
19.35 Ҳандалак.  
19.55, 20.45, 22.30  
Эълонлар  
20.00 «Жюли Леско». Бадий  
фильм. 6 қисм.  
20.50 «Заковат».  
Интеллектуал ўйини.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр ҳафта ичида».  
22.35 Тунги тароналар.  
22.45 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Футбол. Жаҳон  
чемпионати.  
00.35-00.40 Хайрли тун!

**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Эртақларнинг сирли  
олами»  
19.05, 21.25, 22.40  
«Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Жаҳон географияси».  
20.20 «Табриклаймиз-  
кутлаймиз».  
21.00 «Пойтахт шарҳи».  
21.40 «Телефакт».  
21.50 «Камолот фасли».  
22.20 «Спорт-клуб».  
22.55 Кинонигоҳ. «Ясмин».  
00.55-1.00 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканал**  
9.30 Кўрсатувлар тартиби.  
9.35 «ТВ-4да мусиқа».  
9.45 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
9.55 «Парле ву франсэ?»  
10.20 Футбол. Жаҳон  
чемпионати. Аргентина -  
Нигерия терма жамоала-

ри. Япониядан олиб  
кўрсатилади.  
12.30 «Кайфият».  
Информацион дам олиш  
дастури.  
14.00 «Хусусийлаштириш:  
қадам-бақадам».  
14.20-15.20 «Дўстлик»  
видеоканали: «Рангинка-  
мон», «Дидар». «Озарбай-  
жон тухфаси».  
16.35 Кўрсатувлар тартиби.  
16.40 «Мультиқадим».  
17.00 «Соҳкер клуб».  
17.20 «Ҳазил кетидан  
ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.  
17.55 Георгий Вицин  
«Заҳирадаги ўйинчи»  
комедиясида.  
19.35 «Бизнес-ревью».  
19.40 «Ўз-ўзига режиссёр».  
20.20 «Британия кундалиги».  
20.35 «Тенгдошлар».  
21.00 «7 кун». Ҳафта  
яқунлари.  
21.25 «Олтин микрофон».  
Мусиқий дастури.  
21.55 Кинопрофи.

22.15 Кинематограф.  
«Учинчиси ортиқча эмас».  
Бадий фильм.  
23.25 «Тахлилнома».  
00.00 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 11.30, 17.45, 20.30  
Телехамкор.  
9.30 «Малика Сиси».  
Мультипликация.  
10.00 Фильм - болаларга.  
12.00 Оилавий кино.  
«Келажакка қайтиб». 2-  
серия.  
13.40 «Баффи». Сериал.  
14.30 Кундузги кинозал:  
«Сен борсан».  
16.10 «30-канал»да  
қизиқарли учрашувлар.  
17.00 «Ўз ўйини».  
18.10 «30-канал»да  
киноқшоми: «Муҳаббат ва  
мафия».  
19.50 «Ошиқона». Мусиқий  
дастури.  
20.00 «Агентлик». Сериал.  
21.00 Детектив соати.  
21.45 «30-канал»да  
яқшанба киноқшоми:  
«Қадим».

# МЕДАЛЛАРГА ДАЪВОГАРЛАР ОЗ ЭМАС



## «ПАХЛАВОН» СОВРИНДОРЛАРИ

Ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтган кураш ва белбоғли кураш бўйича 2-республика турнирида вилоятимиз вакиллари иштироки самарали бўлди.

Наманган шаҳридаги «Пахлавон» спорт мажмуида «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси учун ўтказилган мазкур мусобақаларда саралаш беллашувларининг 270 нафар голиби бел олишди. Белбоғли курашнинг мурасасиз баҳсларида вилоятимиз ёш полвони Тоҳир Рихсибоев ўз вазн тоифасида голиблик шоҳсупасига кўтарилди. Мусобақаларнинг шу тури полвонлари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.

## ҲАР ЎНИНЧИСИ ГОЛИБ

Тошкент тумани ҳокимлиги ва «Истиқлол нури» газетаси совринлари учун мактабларнинг 4- ва 10-синф ўқувчилари ўртасида стол теннис бўйича мусобақа ўтказилди.

Унда 180 нафар ўқувчи иштирок этди. Синчков ҳакамлар 18 ўқувчини голиб деб топишди ва уларга қимматбаҳо эсдалик совгалари топширилди.

Н. ИСАЕВ.

тарбия ва спорт кўмитасининг ёрдами ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Спортнинг ўзин турларида керак бўладиган тўплар, шунингдек, универсиаданинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимида вакилларимиз киядиган байрамона спорт либослари билан ана шу кўмита таъминлади.

— Владимир Вячеславович, спортнинг универсиада ўйинларига қиритилган ҳамма турлари бўйича тайёргарлик машғулоти махсус тартиб-қоида асосида олиб борилади. Шунинг учун қача шарҳлаб берсангиз.

— Шундай қилмаса бўлмасди. Чунки, 2000 йилда Наманганда ўтказилган биринчи универсиада биз учун катта сабоқ бўлди. Ушанда терма жамоа шошилиш тузилиб, ҳеч қандай тайёргарликсиз борилганди. Натижада вакилларимиз вилоятимиз нуфузига муносиб ўринни эгаллаш олмадилар.

Бу йил ана шу хатони такрорламаслик учун терма жамоа аъзоларини бир жойга тўплаб, бир ой давомида тизим жадвал асосида машғулотлар олиб борилди. Масалан, соат еттида туриб, умумий бадантарбия қилинди. Нонушадан сўнг машғулотлар бошланди. Тушлиқдан сўнг бироз ҳордик чиқарилгач, кечки машғулотга юришилди. Тунги ҳордик соат 23 дан бошланди. Ушбу тартиб ўзини тўла оқлади. Ишонч билан айта оламани, жамоамизда медалларга даъвогарлик қила оладиган спортчилар бу йил анча кўп.

— Енгил атлетикачиларимизнинг имкониятлари ҳақида мураббий сифатида нима дея оласиз?

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўн олти нафар енгил атлетикачиларимиз универсиада ўйинларида қатнашади. Шулардан ўн нафари ТошДАУ талабаси, қолганлари Ангрен шаҳридаги вилоят Давлат педагогика институтидан. Уларнинг ҳаммаси яхши тайёргарлик кўрди. Бироқ республика миқёсидаги бундай мусобақада совринли ўринларни эгаллашнинг ўзи бўлмайди. Жамоаларнинг ҳаммаси бирдек кучли. Тошкент шаҳридан ташқари Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятлари спортчилари биз учун энг кучли рақиб ҳисобланади. Шунга қарамай, енгил атлетика мусобақаларининг ўзидан камидан 10та медал олишни мўлжаллаб турибмиз.



Навбатдаги суҳбатдошимиз — Дилшод Беков. Дзюдо бўйича спорт усталигига номзод. Тошкент давлат педагогика институтининг биринчи курс талабаси.

— Дзюдо билан болалигимдан шуғулланаман, — дейди Дилшод. — Чунки, бу кураш тури

бухороча миллий курашимизга жуда ўхшайди. Шу боис Бухорода кучли дзюдочилар кўп. Мен ҳам шуларнинг бири эдим.

— Бухоролик экансиз, аммо, универсиадада Тошкент вилояти спорт шарафини ҳимоя қилишга тўғри келади.

— Гиламга чиққан ҳар бир полвон, аввало, жамоаси шарафини ўйлайди. Ҳозир мен вазият тақозоси билан Тошкент вилояти спорт шарафини ҳимоя қилсам, ўқишни битириб қайтгач, халқаро мусобақаларда иштирок этиб, республикамиз шарафини ҳимоя қилиш ниятидаман.

— Универсиадага қандай умид билан бораёсиз?

— Яқинда Жиззахда миллий

боевни енгшим керак. Тўғри, бу осон бўлмайди. Лекин, спортчи ҳеч қачон ноумид бўлмаслиги керак.

ТошДАУнинг биринчи курс талабаси, енгил атлетикачи Динара Габидулинага ҳам мураббийлар катта умид боғлашмоқда. У Бухоро сафари арафасида биз билан ўз режалари хусусида ўртоқлашди:

— Енгил атлетика билан шуғуллана бошлаганимга саккиз йил бўлди. Бу орада анча тажриба орттирдим. Спортчи учун йирик-йирик мусобақаларда тез-тез қатнашиб, кўникма ҳосил қилиш жуда муҳим. Шу нуқтаи назардан универсиадага яхши ният билан бораёлман.


— Рақибларингизнинг имкониятларини ҳам яхши биласизми? Ҳар ҳолда бу ҳам спортчи учун жуда керак.

— Бухорода асосан уч нафар рақибим бўлади. Учаласи ҳам Тошкентдан. Аммо яқинда «Пахтакор кубоги» республика мусобақасида рақибларимдан бири Екатерина Дировани 800 метрли масофага югуришда ортда қолдирдим. Анна Сидорова билан Александра Радигина ҳам айнан шу масофада жуда кучли ҳисобланади. Лекин, мен ғалаба учун бор кучимни ишга соламан. Қолаверса, 1500 метрли масофада ҳам менинг имкониятларим чакки эмас. Бўёғини вақт кўрсатади.

Абдусамад Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

СУРАТДА: сузиш бўйича халқаро спорт устаси, уч карра Осиё чемпиони Саида Исқандарова фақат совринли ўринларни эгаллаш иштиқидида универсиадага йўл олди.

## XXI АСРНИНГ ИЛК ЧЕМПИОНИ КИМ БЎЛАДИ?



Бир неча кундан сўнг дунёдаги энг нуфузли спорт мусобақаси илк бор Осиёга ташриф буюради, яъни Жанубий Корея ва Японияда футбол бўйича 17-жаҳон чемпионати бошланади. Қизиқарли ва мурасасиз учрашувлар икки давлатнинг 10тадан жами 20та ўйингоҳида ўтказилади.

Жаҳон чемпионатининг тарихига назар солсак, ўзига хос аънанага дуч келамиз. Чемпионатнинг саккизтаси Америка, қолган саккизтаси эса, Европа қитъасида ўтказилган. Ўзига хослик шуки, Америка қитъасининг вакиллари 8 марта олтин кубокни қўлга киритган бўлса, европаликлар ҳам саккиз бор голиб бўлишган.

Қизиқ, янги асрнинг илк чемпионатида омад кимга кулиб боқаркин? Зеро, учрашувлар бу сафар ўзга қитъада бўлиб ўтади.

Қўйида биз футбол иштиқозлари эътиборига гуруҳларда бўлиб ўтадиган учрашувларнинг кўни ва манзилларини ҳавола этамиз.



### «А» гуруҳи ФРАНЦИЯ, СЕНЕГАЛ, УРУГВАЙ, ДАНИЯ

31 май	Франция-Сенегал	Сеул
1 июнь	Уругвай-Дания	Ульсан
6 июнь	Франция-Уругвай	Пусан
6 июнь	Дания-Сенегал	Тэгу
11 июнь	Дания-Франция	Инчхон
14 июнь	Сенегал-Уругвай	Сувон

### «В» гуруҳи ИСПАНИЯ, СЛОВЕНИЯ, ПАРАГВАЙ, ЖАР

2 июнь	Парагвай-ЖАР	Пусан
2 июнь	Испания-Словения	Кванджу
7 июнь	Испания-Парагвай	Чонджу
8 июнь	ЖАР-Словения	Тэгу
12 июнь	ЖАР-Испания	Таджон
12 июнь	Словения-Парагвай	Согвино

### «С» гуруҳи БРАЗИЛИЯ, ТУРКИЯ, ХИТОЙ, КОСТА-РИКА

3 июнь	Бразилия-Туркия	Ульсан
4 июнь	Хитой-Коста-Рика	Кванджу
8 июнь	Бразилия-Хитой	Согвино
9 июнь	Коста-Рика-Туркия	Инчхон
13 июнь	Коста-Рика-Бразилия	Сувон
13 июнь	Туркия-Хитой	Сеул

### «Д» гуруҳи ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ПОЛЬША, АҚШ, ПОРТУГАЛИЯ

4 июнь	Жан.Корея-Польша	Пусан
5 июнь	АҚШ-Португалия	Сувон
10 июнь	Жан.Корея-АҚШ	Тэгу
10 июнь	Португалия-Польша	Чонджу
14 июнь	Португалия-Жан.Корея	Инчхон
14 июнь	Польша-АҚШ	Таджон

### «Е» гуруҳи ГЕРМАНИЯ, САУДИЯ АРАБИСТОНИ, ИРЛАНДИЯ, КАМЕРУН

1 июнь	Ирландия-Камерун	Ниигата
1 июнь	Германия-С.Арабистони	Саппоро
5 июнь	Германия-Ирландия	Касима
6 июнь	Камерун-С.Арабистони	Сайтама
11 июнь	Камерун-Германия	Сидзуока
11 июнь	С.Арабистони-Ирландия	Иокогама

### «Ф» гуруҳи АРГЕНТИНА, НИГЕРИЯ, АНГЛИЯ, ШВЕЦИЯ

2 июнь	Англия-Швеция	Сайтама
2 июнь	Аргентина-Нигерия	Касима
7 июнь	Швеция-Нигерия	Кобе
7 июнь	Аргентина-Англия	Саппоро
12 июнь	Швеция-Аргентина	Сендай
12 июнь	Нигерия-Англия	Осака

### «Г» гуруҳи ИТАЛИЯ, ЭКВАДОР, ХОРВАТИЯ, МЕКСИКА

3 июнь	Хорватия-Мексика	Ниигата
3 июнь	Италия-Эквадор	Саппоро
8 июнь	Италия-Хорватия	Касима
9 июнь	Мексика-Эквадор	Сендай
13 июнь	Мексика-Италия	Оита
13 июнь	Эквадор-Хорватия	Иокогама

### «Н» гуруҳи ЯПОНИЯ, БЕЛЬГИЯ, РОССИЯ, ТУНИС

4 июнь	Япония-Бельгия	Сайтама
5 июнь	Россия-Тунис	Кобэ
9 июнь	Япония-Россия	Иокогама
10 июнь	Тунис-Бельгия	Оита
14 июнь	Тунис-Япония	Осака
14 июнь	Бельгия-Россия	Сидзуока
15 июндан 18 июнгача гуруҳ голиблари 1/8 финал учун баҳслашадилар.		
21 ва 22 июнь кунлари чорак финалчилар аниқланса, 25-26 июнь кунлари финалга чиқиш учун баҳслар юрилади.		
30 июнда эса Япониянинг Иокогама шаҳрида XXI асрнинг илк жаҳон чемпиони маълум бўлади.		

# Xalq va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

## Eng so'nggi xabarlar

**А**ҚШ Президенти Жорж Буш Берлинда Германия канцлери Герхард Шрёдер билан, Москвада Россия президенти Владимир Путин билан учрашди. Энди АҚШ раҳбари Парижга бориб, Жак Ширак билан музокара ўтказди. Маълумки, Оқ уй раҳбари террорчиликка қарши курашда АҚШнинг Европа давлатлари томонидан янада кенг қўллаб-қувватланишини таъминлашни мақсад қилиб, ушбу минтақа сафарига чиққан.

**Х**индистон Бош вазири Покистон раҳбариятини террорчиликка қарши кураш борасида ваъдабозликдан нари ўтмаётганликда айблади. Атал Биҳари Важапнинг айтишича, расмий Исломободнинг яқинда Кашмирдаги террорчиларга қарши жиддий курашиш ҳақида берган баёноти илгариги қуруқ ваъдалардан фарқ қилмайди. А. Важап Жамму ва Кашмир штатидаги ҳарбийлар билан учрашуви чоғида, икки мамлакат ўртасидаги уруш эҳтимолига тўхталар экан, "чақмоқ чақиши мумкин, лекин ҳозирча ҳаво очик" эканлигини таъкидлади. Айни пайтда Ҳиндистон ва Покистон Кашмирдаги назорат чизигида тобора кўп қўшин тўпламоқда. Икки томон бир-бирига замбарак ўқлари ёғдириб турибди. Покистон раҳбарияти кескинликни юмшатишда ёрдам кўрсатишни сўраб, БМТга мурожаат мактуби йўлледи.

**Б**уюк Британия ҳукумати ноқонуний муҳожирларга нисбатан кескин чоралар кўрмоқчи. Бош вазир Тони Блэрнинг фикрича, бу муаммо ечилмаса, мамлакатдаги элатлараро тотувликка путур етиши мумкин. Шу сабабли Ўртаер денгизда ноқонуний муҳожирларни ташиётган кемаларни ушлашга қироллик ҳарбий кемалари сафарбар қилиниши мумкин. Буюк Британияда яшаб юрган, лекин қочқин мақомини ололмаган муҳожирлар ҳам мажбурий равишда юртига жўнатилади.

**П**окистон раҳбарияти мамлакатдаги хорижлик фуқароларни тинчлантиришга уринмоқда. Ҳукумат уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қурби етиши ҳақида баёнот эълон қилди. Ахборот вазири Носир Меҳмоннинг айтишича эса, йирик шаҳарларга экстремистлар киришининг олдини олиш учун жуда жиддий чора-тадбирлар кўриломоқда. Бундай баёнотларга сабаб шуки, кунни кеча Буюк Британия Исломободдаги айрим дипломатлари ва уларнинг оила аъзоларини қақриб олди. Бошқа Фарб давлатлари ҳам шундай ишга қўл урмоқда. АҚШ эса бир неча ой илгариеқ куйроқ лавозимларда ишлайдиган дипломатларини қақриб олган эди.

### МУЗОКАРАЛАР ТОМОН ОФИР ЙЎЛ

Сиёсатшунослар Ё.Арафотнинг президент сайлови ўтказиш тўғрисидаги режасига алоҳида эътибор бермоқда. Уларнинг фикрича, мухторият раҳбари ўз ўрни учун сайлов ўтказишга розилик берса, Исроил томонининг Ё.Арафот ўрнига бошқа йўлбошчи бўлиши керак, деган талаби ўз долзарблигини йўқотади. Натижада исроилликлар "ўрнини бўшатишга тайёр бўлган" Ё.Арафот билан музокара қилишга мажбур бўлади.

Фаластин томони ислохотларга тайёргарлик кўраётган бир пайтда, кутилмаганда Исроил бош вазири Ариэл Шароннинг тинчлик ўрнатиш йўлидаги ҳаракатлари қаршиликка учрай бошлади. Унинг тарафдорлари фаластинликлар билан музокара қилиш фикрига қарши чиқяпти. Бунга жавобан, А.Шарон Фаластиндаги ислохотлар амалга оширилмай ва исроилликларга қарши террорчилик ҳаракатлари тўхтамай туриб, ҳеч қандай музокара бўлмаслигини айтмоқда.

### Шарҳловчи минбари

## ЯНГИ АСРНИНГ ЭНГ ШОВ-ШУВЛИ ВОҚЕАСИ

Инсониятнинг буюклиги унинг ўзига хослигидадир. Ҳар бир инсон ўзининг фазилатлари, иқтидори билан ажралиб туради. Бир-бирини айнан такрорлайдиган одамларни топиш жуда мушкул. Ҳатто қондош эгизакларнинг ҳам аксарияти бир-бирига ўхшамайди.

Кунни кеча америкалик олимлар йиғирма биринчи асрнинг энг шов-шувли воқеасини эълон қилди. Уларнинг айтишича, шу йилнинг ўзидаёқ инсонни клонлаш мумкин экан.

Клонлаш инсониятнинг биотехника ва тиббиёт тараққиётида эришган энг ноёб ютуқларидан бири ҳисобланади. Бу соҳа ўтган асрнинг охирида АҚШда вужудга келган. Шундан буён олимларнинг эътиборини ўзига тортди келади. Дастлаб уй ҳайвонлари, жумладан, кўзичоқда ўтказилган тажрибалар муваффақият билан яқунланди. Ёдингизда бўлса, тажрибалар натижасида Долли лақабли кўзининг "нусхаси" яратилганди. Дастлабки ижобий натижа соҳа мутахассисларининг билим ва тажрибани янада мукамаллаштиришга берилиб кетишига олиб келди.

Айни пайтда клонлаш тиббиётнинг нисбатан янги соҳаси бўлишига қарамай, дунёнинг қатор давлатларида юзлаб олимлар репродуктив физиология билан шуғулланмоқда. Уларнинг фикрича, клонлаш башари-

ят учун зарар эмас, фойда келтиради. Чунки минглаб бефарзанд оилалар учун наслини давом эттириш имконияти пайдо бўлади.


Масаланинг жиддий мулоҳаза талаб этадиган жиҳати шуки, инсондан "нусха кўчириш" ни кўпчилик маъқулламайди. Кўриниши, фикрлаши ва хатти-ҳаракати фарқланмайдиган одамлар жамиятда ўз ўрнини топиши қийин. Шунинг назарда тутилган ҳолда, ўтган йили АҚШ Конгрессининг Вакил-

лар палатаси клонлашнинг барча турларини таъқиқловчи қонун лойиҳасини Сенатга тақдим этган эди. Бу лойиҳа ҳали ҳам муҳокамада. Аммо мамлакат раҳбарияти инсонни клонлаш масаласига хайрихоҳлик билдираётгани йўқ.

АҚШнинг Кентукки штати университети профессори Панайотис Завос ҳали ҳеч қандай клонлаш йўли билан инсон эмбрионини вужудга келтириш кузатилмаганини таъкидламоқда. Лекин у жорий йилнинг ўзидаёқ бундай эмбрион яратиш, уни аёл организмга жойлаштиришни режалаштираётганини маълум қилди. Ҳукумат ҳали буни маъқуллагани учун тажриба мамлакатдан ташқарида ўтказилади. Ҳозирнинг ўзида ун иккита фарзандсиз оила П.Завос тажрибасида иштирок этишга розилик бергани олимни анча руҳлантирди.

Инсонни клонлаш қачон амалга оширилади, унинг натижаси қандай бўлади, буниси — ҳали қоронғу. Асосий масала ҳақон ҳамкамияти бунга рози бўлармикан, деган саволга жавоб топишдир. Клонлаш тиббиётнинг энг янги самарали соҳаси сифатида гуллаб-яшнайдими ё даромад манбаига айланиб кетадими? Бунинг илк аломатларини инсонда ўтказиладиган дастлабки тажрибанинг хулосалари кўрсатиши керак. Ҳозирча эса олимлар изланишда.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,  
ЎЗА шарҳловчиси.



Англия.

### БРАЗИЛИЯНИНГ «ЭРКА» ОТЛАРИ

Бразилия

шаҳарларидан бирининг маъмурияти отлар меҳнати ҳақида қонунлар мажмуасини маъқуллаган. Бу ҳужжатга мувофиқ мазкур жонивор учун кунлик меҳнат вақти мавжуд. Уни бир кун давомида саккиз соатгина ишлатиш мумкин, тушлик танаффус ҳам шу ҳисобга қиради. Отларга ҳар ҳафтада бир кун дам олиш ҳуқуқи ҳам берилган. Касал жониворлар барча иш турларидан озод қилинади. Аргентинада нашр этиладиган «Кроника» газетаси шу ҳақда ҳикоя қилади.



### НАҚД 2,5 КИЛОГРАММ ЭКАН

Инсоннинг овқат ҳазм қилиш аъзоларидан жарроҳлик йўли билан нималар чиқариб олинган эмас. Уларнинг энг каттаси соч шари бўлиб, салкам 2,5 килограмм тош босган. Бу гаройиб нарсанга Англиядаги Иск-Корнуэлл госпиталида 1895 йилнинг 30 мартида содир бўлган экан. У 20 ёшли бемор кизнинг ошқозонида ҳосил бўлган эди. Бу қиз ҳамма нарсани ютиб юбориш касалига мубтало бўлган экан.

### ТИШИНИ БЕЗАГАН КУЁВЛАР

• Тишларни пардозлаш жуда қадимдан маълум. Чунки, олимлар Миср эҳромларидан бирида мўмиёланган мурданинг оғзидан ёғоч ва олтиндан ясалган сунъий тишлар топишган. Қадимги мисрликларнинг одатида кўра, машҳур кишилар ўлганда, мурдасини безаб, қоши, бурни ва тишларини олтин сувиға бўяганлар.

• Индонезиялик хотин-қизлар ўз тишларини эговлатиб, қип-қизил қилиб пардозлашган. Бир замонлар ҳабашистонлик эркаклар ҳам тишларини найзага ўхшатиб эговлатиб юрганлар. Шундай қилмаган куёвларни қайлиқлари ҳам ёқтиришмаган.

• Мексика ва Эквадорда олд тишларини қимматбаҳо тошлар ва асл металлларнинг силликланган парчалари билан безаш кенг расм бўлган. Шундай қилинса, инсу жинслар оғизга кирмас экан. Эквадорликлар тишни безатиш учун уни парма билан тешиб, ичига қимматбаҳо тошларни жойлаштиришган.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

### БИР ЙЎЛА ТЎҚҚИЗ ФАРЗАНД КЎРДИЮ...

Жаҳон оммавий ахборот воситалари кўп сонли эгизакларнинг туғилганлиги ҳақида хабарлар тарқатади. Америкада нашр этиладиган «Чикаго сан» газетаси шундай ёзади. Австралиялик Альбертина бир гал кўзи ёриганида тўққиз нафар фарзандни дунёга келтирди. Улар Сидней шаҳридаги қирол аёллар касалхонасида туғилишди. Она ва унинг гўдақларига имкони борича ҳар томонлама тиббий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинган. Лекин, барча уришишлар, муолажаларга қарамай, туғилган беш нафар ўғил бола ва тўрт нафар қизалоқнинг бирортаси ҳам бир ҳафтадан ортиқ яшамаган.

Небраска штатининг Университет касалхонасида эса, Роза Маюкилл етти нафар эгизакларни туғди. Бу эгизаклар бир йўла туғилиб, яшаб кетган ягона ҳодиса ҳисобланади.

Турфа олам

Турфа олам

## Микроскоп остида нималар кўринади

Мамлакатимизда микроскоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Тез орада 200 та шундай асбоб ишлаб чиқарилади. Чирчиқдаги "Дека" қўшма корхонаси ҳамда Самарқанддаги "Эл" ва "Кинап" қўшма корхоналари шу ишга бел боғлади.

Ишлаб чиқариш ҳамкорлиги уларга замонавий хорижий технология ва инвестицияларни жалб этган ҳолда мураккаб техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди.

Масалан, "Дека" корхонаси оптик ойналар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Қолганлар эса бошқа технологик қисмларни тайёрламоқда. Мазкур линзалардан йиғилган микро-

скоплар буюмни 400 марта катталаштириб кўрсатади. Бу микроскоплар, асосан, ўқув муассасалари учун мўлжалланган. Айни пайтда улар ишлаб чиқаришда ҳам кўл келиши мумкин. Улар ёрдамида турли қотишмалар таркибини, баъзи маҳсулотлар сифатини аниқлаш мумкин.

Ў.А.

Bolalik bog'i

## ТОРИШМОҚ

G'o'rasin uzib olma!  
Pishsa der, bog'bon, ol, ma!  
Shirin ajoyib meva,  
Buning nomi-chi...

(пишмоқ)



## Буни ҳаёт дейдилар

Турмуш ўртоғи уни севар, ҳурмати хайрига қўярди. Лекин, Саидага нимадир етишмасди. Кўпдан кутилган ўғил фарзанд ҳам ундаги бу бўшлиқни тўлдирди олмади. Саиданинг юриш-туриши ўзгарди, ёшлигидан ўрганган қилиқлари қалқиб чиқа бошлади. Қайнонаси билан эрининг кўзини шамғалат қилиб, бир нарса ни бахона қилса-ю, кўчага чиқса... Назарида ёшлиги бола боқиб, тўрт девор ичида ўтиб кетаётгандек эди, гўё.

Кўп ўтмай, бу маҳаллада ҳам Саида ҳақида турли миш-миш-

гача ишда бўлсанг, кўнглига келганини қилмоқчи. Яна ўзинг биласан, ўғлим, - деди онаси куйиниб.

Дилшод онасини ташлаб кетмаслигини, болаларини онаси яхши тарбиялаётганини айтиб қатъий туриб олди.

- Сенга ўзи нима етишмайди. Худога шукур, бошпанамиз, соғлом фарзандларимиз бор, топиш-тутишим ҳам ёмонмас, - деди у.

- Шу маошингиздан орттириб, менга нима каромат кўрсатдингиз? Лоқал тузукроқ машинангиз ҳам йўқ-ку, - ёрилди Саида вишиллаб. - Менга эркинлик керак, ёшлигимда ўйнаб қолгим, зўр яшагим келади. Умрим ўтиб кетяпти, ёшлигим қайтиб келмайди-ку?

- Нима қилмоқчисан ахир? Тушунтириброқ гапир, - деди Дилшод тинқаси қуриб.

- Мени ҳадеб тергайверманг, алоҳида яшамоқчиман.

- Аҳрамаизми? Болалар-чи?

- Болалар ўз йўлини топиб

оламдан ўтди. Ака-опалари, қариндошлари у билан алоқани бутунлай узишди, Саида эса бепарво, ўз кўни ўзига қолгач, буткул кайфу сафога, айшу ишратга берилди. Ўзига ўхшаган бузуқ аёллару эркалар давраларининг гулига айланди. У тўфайли қанча оилаларнинг тинчи бузилди, кўпчиликнинг қарғишига қолди. Аммо, у бир нарса - ёшлик ва хусн ўткинчи эканлигини тушунмас, шира босган кўзлари эртага нима бўлишини кўрмас эди.

Вақт шафқатсиз, у ҳамма нарсага ўз ўрнига қўяди. Саида ҳам қариди, у ўз тенгқурларига нисбатан анча эрта қариди, бунинг устига касалманд. Энди уни ҳатто ўз тоифасидagiлар ҳам йўқламай қўйишди, ҳамманинг назаридан қолди. Бир оғиз ширин сўз айтадиган, бир пиёла иссиқ чой тутадиган ҳеч кими йўқ эди.

Ана шундагина болалари эсига келди. Бу вақтда қизларининг бўйи етган, ўғли ҳам катта бўлиб қолган эди. Эри ва қайнонаси уларни оқ ювиб, оқ тараб, қанддек қилиб ўстириб, тарбия қилишди. Дилшод қайта уйланган бўлса ҳам болаларини ўқситмай ўстирди.

«Шармандага шаҳар кенг», деганларидек, Саиданинг бу уй остонасига қадам қўйишининг ўзига чидаб бўлмасди. Лекин, на фарзандлари, на қайнонаси унга «кет» дейишмади. Ҳамма гапни уларнинг кўзлари айтиб турарди. Бу нафратли нигоҳларга сурбет Саида у ёқда турсин, тош ҳам чидолмай ёрилган бўларди. На илож, ҳеч қандай гап-сўзсиз у орқасига қайтди.

Мана бор жигарлари-ю, яқинларидан айрилган, ҳамма ёқдан мосуво бўлган Саида шалвираган гавдасини зўрга судраб, ҳаёт сўқмоғида ёлғиз кетяпти. У охириги илнж билан ортига қаради. Лекин, минг афсуски, орқага йўл йўқ эди...

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.

## ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Янгийўл шаҳар озиқ-овқат технологияси коллежида 9-11-синф битирувчилари учун Очиқ эшиклар куни тадбири ўтказилди.

Шу куни шаҳар мактабларидан бу ерга ташриф буюрган битирувчи синфларнинг йигит-қизлари талабалар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар, мутахассислар билан мулоқотда бўлишди.

Шунингдек, 3-хунар мактаби ўрнида ташкил этилган янги маиший хизмат коллежида ҳам ана шундай Очиқ эшиклар куни ўтказилди.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

## Бекажон

### ПИШИРИҚЛАР ТАЙЁРЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

#### СМЕТАНАЛИ ПЕЧЕНЬЕ

Уни тайёрлаш учун 3 дона тухум 200 г. шакарга қўшиб кўпиртирилади. Сўнгра 100 г. юмшатиш маргарин, 200 г. сметана, бир чимдим туз, таъбага кўра ванилин, бир чимдим истеъмол содаси солиб, ҳамир қилинади. Бир ордан кейин ҳамирни 1-1,5 см. қалинликда ёйиб, ромб шаклида бўлакчаларга кесилади. Устига тухум сариғи суртиб, ўртача оловда 15-20 дақиқа давомиде пиширилади.

#### «ЛОЛА» ПЕЧЕНЬЕСИ

Тўртта тухумни бир стакан шакар билан кўпиртириб, 200 г. юмшатиш сариёғ, ярим чой қошиқ истеъмол содаси, бир чимдим туз солиб, аралаштирамиз. Тайёрланган аралашмага ун қўшиб, юмшоқроқ ҳамир қорилади. Бир ордан кейин ҳамирдан майда зувалачалар ясаб, устини кўпиртирилган тухум оқиға, сўнгра шакарга ботириб, духовка патнисига териб, ўртача оловда пиширилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА, қандолатчи.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари мажмуи котибияти мудир Асқар Солиховга акаси Яшнар СОЛИХОВНИНГ бевақт вафот этганили билан чукур ҳамдардлик билдиради.



лар тарқалди. Хотинини яхши кўрган Дилшод аввалига бу гапларга аҳамият бермади. Лекин, онасининг: «Хотининг билан жиддий гаплаш, эс-хушини йиғиб олсин», деган қатъий гапидан сергақланди. Саида эса ҳаммасини қайнонаси тўқиб чиқараётганини, бошидан уни ҳушламаслигини, ҳатто болаларини ҳам ўзидан бездираётганини айтиб, «зорланди». Қўрқоқ олдин мушт кўтарар, қабилида иш тутиб:

- Мен бу уйда ортқ туролмайман, алоҳида яшаймиз, - деб эрига шарт ҳам қўйди.

- Бунга ўзи шу керак. Алоҳида уйда турса, сен эртадан кеч-

кетар. Болалар билан сиз оёғимга кишан бўлолмайсизлар. Гап тасом! - деди Саида юзсизларча.

- Саёқ юраман деб ўз фарзандларингдан воз кечасанми? - даҳшатга тушди Дилшод. - Унда ... йўқол!

Ха, бу Дилшод учун даҳшат эди. Лекин у мардлик қилди. Хуллас, уч хоналик уй эвазига Саида уччала фарзандини эри ва қайнонасига ташлаб кетди. Бу гапни эшитганлар ҳайратдан ёқа ушлашди. Саиданинг онаси бу маломатни кўтара олмади: Навбатдаги юрак ҳуружидан кейин

## Янги нашрлар

# Халқимиз тарихига оид китоб

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан Фанлар академиясининг Тарих институти олимлари нашрга тайёрлаган "Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни" китоби чоп этилди.

Тарихга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги кунда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини истиқлол нуқтаи назаридан чуқур ва холисона ўрганиш илмий масала бўлибгина қолмай, балки миллий мафкура тушунчаларининг

таркибий қисми сифатида ҳам талқин этилмоқда. Шу боис ўзбек халқи шаклланишининг асосий босқичлари, аجدодларимизнинг этногенетик жараёнлардаги иштироки, минтақанинг энг қадимги маҳаллий аҳолиси билан боғлиқлик даражаси сингари жиҳатлар яхлит ҳолда

тадқиқ этилиши мутахассислар зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Таниқли элшунос олим, марҳум академик Карим Шониёзов қаламига мансуб мазкур монографияда ўзбек халқининг алоҳида этник бирлик - элат ва халқ бўлиб шаклланиш жараёни асл манбалар ва мавжуд тадқиқотлар асосида тарихийлик нуқтаи-назаридан теран тадқиқ этилган.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ HAQIQATI

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оқмавий ишлар бўлими: 133-40-48. Ўзлонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-456. Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Саҳифаловчи: Музаффар ҚўЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Адади 9123 нусха. Босишга топширилди вақти - 20.00. Босишга топширилди - 20.30. 1 2 3 4 5 6